

## ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҚУЁШНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНЛАНИШИ

Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович

Фаргона давлат университети докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7187853>

**Аннотация.** Уишиб мақола рангнинг ўзбек шеъриятида қуёшнинг бадиий талқинланиши масаласига багишланади. Ўзбек адабиётида қуёш муайян ижтимоий-маънавий мухитда ўзига хос талқинланиши босиб ўтиши У.Азим, А.Суюн, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева, Ш.Раҳмон каби шоирлар ижоди мисолида тадқиқ этилади. Қуёш образ сифатида муайян даврда ижтимоий-сиёсий ҳаёт фонида ўз бахти ва эркига интилган давр кишисининг олам ва жамиятга гоявий-эстетик қарашларини намоён қилиувчи асосий образлардан бирига айланганлиги исботланади.

**Калим сўзлар:** образ, талқин, босқич, характер, эътиқодий, гоявий-эстетик, рамз, анъана, ижодий концепт.

## ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ СОЛНЦА В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

**Аннотация..** Данная статья посвящена вопросу художественной интерпретации солнца в узбекской поэзии цвета. В узбекской литературе солнце проходит определенный этап интерпретации в определенной социально-духовной среде. Доказано, что солнце как образ стало одним из основных образов, показывающих идеально-эстетические взгляды на мир и общество людей того времени, стремившихся к собственному счастью и свободе на фоне общественно-политических жизней.

**Ключевые слова:** образ, интерпретация, сцена, персонаж, убеждение, идеально-эстетическое, символ, традиция, творческий замысел.

## ARTISTIC INTERPRETATION OF THE SUN IN UZBEK POETRY

**Abstract.** This article is devoted to the issue of the artistic interpretation of the sun in Uzbek poetry of color. In Uzbek literature, the sun goes through a specific stage of interpretation in a certain socio-spiritual environment. It is proved that the sun, as an image, has become one of the main images showing the ideological-aesthetic views of the world and society of the people of that time who strived for their own happiness and freedom against the background of socio-political life.

**Keywords:** image, interpretation, stage, character, belief, ideological-aesthetic, symbol, tradition, creative concept.

## КИРИШ

Қуёш – нур манбаларидан асосийси ҳисобланади. Ердаги ҳаётнинг мавжудлиги бевосита у билан боғлиқлиги туфайли тирикликтининг бош ҳомийси сифатида инсоният тараққиётининг илк даврлариданоқ мифологик, эътиқодий қарашларда талқин этила бошлаган.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маълумки, бизнинг олам яралиши қуёш билан боғлиқ бўлган физик ходисадир. Қуёш нури туфайли она заминимизда илохий мўъжиза – ҳаёт мавжуддир. “Одамзод ўз тафаккурига эга бўла бошлаган даврданоқ қуёшдан илохийликни англаб, унга умид ва ишонч рамзи сифатидаги муносабати шаклланиб келган. Қадимги дунё тарихида қуёшга ҳаттоқи, инсон қиёфасидаги худо сифатида қараш мавжуд бўлган”[1.164-165]. Бундай

муносабат кўплаб халқлар диний қарашларида акс этганлигини қадимги Шарқ, Юнон ва Рим маданиятларида, яна қадимги Мексика ҳамда Перу маданиятларида, шунингдек, литва, славян, герман ва бошқа халқлар тарихида ҳам кузатамиз. Масалан, “Афина аҳолиси қўёшли фалақдаги икки ғилдиракли олов аравада юрадиган худо Гелиос деб ўйлаганлар”[2.16].

XI асрнинг буюк тилшуноси Махмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асарида қўёшга “кун” тарзида муносабат билдириб, уни изоҳлаб ўтади[3.314].

Дунё халқлари оғзаки ижодида нур манбаси ҳисобланган қўёш образига эзгулик рамзи сифатида қараш шаклланиб келган. Демак, “қўёш – барча халқларга маълум бўлган энг қадимги космик рамз; ҳаёт манбаи, ёруғликни билдиради. Қуёш рамзлари билан устуворлик, ҳаёт яратиш, фаоллик, қаҳрамонлик негизи, ҳамма нарсани билиш каби хусусиятлар боғланади”[4.32-34], дейилишига асос бор.

Лирикада қўёш асосан ижобий характердаги образ сифатида комиллик, эзгуликка элтувчи маърифат манбаи бўлган талқинини топди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбек адабиётида қўёш муайян ижтимоий-маънавий мухитда ўзига хос талқинланиш босқичини босиб ўтди.

**1. Диний-эътиқодий.** 1) халқ оғзаки ижодида маъбудлар; 2) “Авесто”да Митра; 3) Исломда Аллоҳ – Ёр.

**2. Ғоявий-мафкуравий.** 1) Хурлик, эрк тимолида. (XX аср бошлари); 2) Мафкура доҳийси тимсолида. (XX асрнинг 20-йиллари охиридан 80-йилларигача); 3) Миллий Истиқлол тимсолида. (1991 йилдан бошлаб.)

Ёр тимсолидаги қўёш образига муносабат мумтоз адабиётда асосан диний қарашларга нисбатан келтирилган бўлса, янги ўзбек адабиётида эса унинг функцияси ўзгарди. Яъни даврнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий-маънавий ҳаётнинг эҳтиёжи бу образнинг ифода вазифасини ўзgartирди. Чунки фан-техника тараққиёти ўлкамизга етиб келиши ва унинг таъсирида маънавий ҳаёт, дунёқарашларининг замон руҳида шаклланишига қадар инсонларга ижтимоий турмушда фақатгина Аллоҳнинг шафқати ва раҳмигина ёрдам бера олади, холос, деган тушунчалар устувор эди.

Кузатишлардан аёнлашадики, қўёш образи ўзбек шеъриятида эътиқодий моҳиятдан ижтимоий-сиёсий моҳият касб этадиган кенг талқинли образ даражаси сари тадрижга эга бўлди. Даастлаб фақатгина ягона – диний моҳиятнигина ўзида ифодалаган образ реал ҳаётий воқелиқдаги реал кишиларнинг эҳтиёжларини ўзида акс эттирувчи ҳалоскорлик манбаи қўринишидаги талқинга учради. Яъни эътиқодий доирадан кўра фаолроқ бўлган ижтимоий-маънавий ҳаёт доирасига ўтди. Буларнинг бари миллий адабиётимизнинг тараққиётида ўзининг муносиб изини қолдира олди.

XX аср бошларига келиб ўлкамизда кескин ижтимоий-сиёсий воқеликлар янгича шаклдаги шеъриятда қўёшнинг бадиий функцияни ўзgartирилишига, унга шахс эркини ифодаловчи янгича ғоявий-эстетик вазифаларни қўйилишига сабаб бўлди. Ижодкорлар бу эҳтиёжларини қўёш образи тимсолига мурожаат этдилар. Энди у диний-эътиқодий рамздан кўра эрк ва озодлик рамзи сифатидаги ўз талқинини топди. Қуёшга хос табиий хусусиятлар бадиий мухитда лирик инъикосини топди. Лирик қаҳрамон нур манбаи бўлган қўёшдан руҳоний мадад олди. Бунда қўёш ўзига хос маънавий-маърифий комиллик, руҳий эҳтиёж, муқаддаслик каби рамзларнинг ҳам уйғунлашган образи

сифатида гавдаланди. Нурнинг қудратли манбаи бўлиши қуёшнинг бадий мухитдаги ижодий мантиқ асоси сифатидаги аҳамиятига ҳам кўчди.

Қуёш ҳолатининг бадий тасвирида ҳам лирик фалсафий-ғоявий ифодасини топди. Қуёш образи эртанги содир бўлгуси муқаррар эрк ва хурлик рамзида намоён бўладики, ижодкор буни чин ишонч билан таъкидлашга ботина олади.

Ҳар бир ҳодисага муносабат уни қандай шороитда ва қандай қабул қилиб олини билан боғлиқ. Бир ҳодисанинг ўзи бир неча томондан бир неча талқинига эга бўлиши мумкин. Қуёшнинг турли бадий талқинлари муайян ижтимоий-тарихий шароитдан келиб чиқиб юритилганлиги табиий.

Қуёшга эрк рамзи сифатида мурожаат қилиш Чўлпон, Усмон Носир, Элбекнинг ижодий анъаналаридан руҳланган ҳолда ўтган аср охирларида замонавий ўзбек шеъриятининг учинчи авлоди ижодида фаол образлар сирасида бўй кўрсата бошлади. Гарчи қуёшнинг табиий чиқиши, нур сочиши ва ботиши табииат ҳодисаси бўлса-да, бу даврлар шеъриятида унинг қайси фазасини танлаб олинганлиги бадий ғоя ифодасида ижодий концептни юзага чиқарувчи аҳамият касб этганлиги билан фарқланади.

Ўтган асрнинг 40-йилларидан деярли 80-йилларигача ўзбек шеъриятида қуёш ҳам “қизиллашиб” кетди дейилса, муболаға бўлмас. Шўроларнинг доҳийлари бевосита қуёш образида тасвиrlана бошлади. Замон элагидан ўтмаган бу каби қуёшга берилган сунъий нисбатлар ҳам ўша “... измлар” доҳию мафкуралари билан ер юзидан изсиз йўқолди.

Яна, энг муҳими, қуёшга қандай ғоявий-эстетик вазифа юкланганлигига эди. Энди бу қуёш аср бошидагидек ботаётган эмас, чиқаётган қуёш эканлиги билан ғоявий-эстетик жиҳатдан тубдан фарқланарди: *Наҳот, қачонлардир чиқади қуёш, Нурга йўғрилади бу совуқ дунё?* Энди ҳаётим кетгунча бардош, Энди бу ҳаётим менини танҳо... (У.Азим. “Энди шеър ёзмайман...”)[5.112] Ёки: *Уйғонар Туркистон, Уйғонар дунё, Порлоқ умидларга тўлиб кун чиқар.* (Р.Парфи. “Уйғон Туркистон...”)[6.14] Яна: *Тугилади руҳимда қуёш – Ҳаёт– Мамот жараённада.* (У.Азим. “Кечалари юрак санчади”)[5.219].

Ижтимоий доирадан интим доирада намоён бўлади: *Сочин ёйиб фалакда, шўйшашаън, Порлар қуёш – Барчиндай бир қиз.* (У.Азим. “Учолмасдан...”)[5.42]

## МУҲОКАМА

Қуёш образи лирик қаҳрамоннинг ички олами билан ташки олам ўртасидаги воситачи сифатида гавдаланди: *Қуёш кулар, кулар ҳаёт.* (Р.Парфи. “Борми, баҳорим...”)[6.24] *Кечки қуёш турмаклар сочин, Жозибали бўлар эртага!* (Р. Парфи. “Кундуз ўйга чўмар...”)[6.12], *Қанотларим эркни согинган, Қуёш, сен ҳам эмассан етим...* (У.Азим. “Мовий ҳаво тўлқинларида”)[5.38], *Қуёш, сендай яшасам ёниб, писанд қилмай аёзни, қишини, мен ўрганиб олардим бир кун ҳаммага тенг кулиб боқишини.* (Ш.Раҳмон. “Қуёш сендай яшасам...”)[7.62], *Қуёш жуда эрта ботди, қилади алам.* Номозиом гулдай сўнди тез бугунги кун. (Ҳ.Худойбердиева. “Қуёш жуда эрта ботди...”)[8.101], *О, севгим, бошимда олтин тож эдинг, Қуёшдек порладинг сийлаб ҳар қачон!*(А.Суюн. “Фарёд.”[9.97]), Эй қуёш, муқаддас қуёш Сен қачон кулдирасан Мен кулдиролмаган жувонни. (Болтабой Бекматов. “Савол”)[10.31]

Қуёш образи лирик қаҳрамонга параллел образлаштирилди: *Қуёш мени қайтиб тополмас келганда қайтиб, Кўз ёши тўқар эслаб мени йўқотганини.* (Ҳ.Худойбердиева. “Қуёш жуда эрта ботди...”)[8.31], *Гулдек сўниб боради қуёш.* (Жаббор Эшонқул.

“Йўлсизликнинг...”)[10.62], Қариган қуёш Шикаста нурлари билан Дарёнинг юзига ажин солади. (О.Набизода. “Ялангоч...”)[10.82]

Қуёш лирик қаҳрамоннинг қалбидаги орзу-умидлари тимсолида пейзаж орқали ифодаланади: Тонг отди – албатта, зулматни отган. Кун чикди – ул каби кўкариб чикди – албатта, қуёшини кўтариб чикди. (У.Азим.) “Тонг...”)[5.51].

Қуёшнинг сўнмаслиги, “кўҳна изидан” кўриниб, нур сочишда давом этавериш жараёни бадиий талқинда эзгулик абадийлигига умид ва ишончни ифодалайди: *Офтоб ҳам кўринди кўҳна изидан Ва бошлиб юборди дилбар эртагин.* (А.Суюн. Ёмғир ёғиб ўтди... )[9.177] Лов-лов ёнаётир қуёш – ул најсот, Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ. (Р.Парфи. “Муҳаббат”)[6.63]

## ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, ўзбек шеъриятида қуёшнинг бадиий талқини маданий-тарихий, эътиқодий, мафкуравий муҳит таъсирида ўзининг табиий хусусияти хос тарзда рамзийлаштирилди. Муайян даврда ижтимоий-сиёсий ҳаёт фонида ўз бахти ва эркига интилган давр кишисининг олам ва жамиятга ғоявий-эстетик қарашларини намоён қилувчи асосий образлардан бирига айланди.

## REFERENCES

1. Гегель. Сочинения. Том 8. – М.: 1935.
2. Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – М.: МА, МЛ., 1999. – С.16.
3. Махмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. Уч жилдлик.1-жилд. –Т.: 1960.
4. Мингбоева Дилрабо. Тимсолар тилсими. –Т.: Янги аср авлоди. 2007.
5. Усмон Азим. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1995.
6. Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр, 2006.
7. Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. – Т.: 2002.
8. Ҳалима Худойбердиева. Сайланма. – Т.: Шарқ. 2000.
9. Азим Суюн. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1997.
10. Ўзбек модерн шеърияти. – Т. : Янги аср авлоди, 2003.